

## Ўттиз тўрт марта сажда



07:12 / 09.09.2019 2521

Абу Воил Салама ибн Шақиқдан ривоят қилинади: «Асвад ибн Ҳилолнинг олдига кириб, «Қанийди сен ҳам, мен ҳам бу дунёдан ўтиб кетган бўлсак», дедим. У: «Жуда ёмон сўз айтдинг! Ахир ҳар куни ўттиз тўрт марта сажда қиляпмиз-ку?» деди».

**Изоҳ:** Асвад ибн Ҳилол ўттиз тўрт марта сажда қиламиз деганда кундалик фарз намозларини назарда тутиб айтганлар, агар суннат намозларини ҳам эътиборга олсак, жами олтмиш тўрт марта сажда қилинган бўлади.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**